Муаллиф:
06.01.2018 11:08 -



Гарбий Сибирь асрлар давомида деярли Бухоро колонияларига айланиб колаёзганди. Сибир Бухорийлари бу ерда яшаётган татарлар (аслида туркий халклар) билан сўзлашиб аста-секин ўз тилларини маълум маънода ўзгартириб борганлар.

У ерларга кўчиб борган савдогарлар, харбий аскар ва диний уламолар ўз миссияларини бажариш максадида турли кишлок ва махаллаларга асос солганлар. Айнан бухороликлар биринчи марта Сибирга мушукни олиб боришган. Дунёга машхур бўлган "Сибирь мушуги" аслида Туркистонликлар томонидан у ерга олиб борилган ва таркатилган. Аввалги постларда биз Сибирдаги Учмир тоги хакида пост улашгандик, бу ер айнан илгари замонларда туркий кавмларнинг ерлари бўлганлигини кўрсатади. Уч бошли тогни кадим туркийлар мукаддас хисоблашган ва унда бир хосият бор деб билганлар. Анча-мунча кўп сонли ва турли тармокли туркий кабилалар Сибирь, Олтой, Ўрта Осиё, Шаркий Туркистон ва бошка жойларда кадим замонлардан бери яшаб келгани хаммага маълум. Бизнинг аждодларимиз хам бугунги Ўзбекистон чегарасидагина эмас миграцион жараёнлар тўлкинида бемалол у ерда, бу ерда яшаганлар. Шунинг учун хам "Дашти Кипчок ва Гарбий Сибирь худудлари, кадимги Крим ерларида улар яшамаган, у ердан

келганлар бизга бегона" деган саволнинг кўйилишининг ўзи нотўгри булади.

Туркийларнинг асл ватани Олтой, Сибирь, Ўрта Осиё, Шаркий Тукристон, Хуросоннинг катта кисми ва бошка ерлардир. Навбатдаги миграция тўлкинлари умумий ном остида Гарбий Сибирда Бухоро кишлоклари пайдо бўлган. У ерларда Ўзбекистоннинг хамма еридан кўчиб борган халкларни учратиш мумкин эди. Хатто Тошкентдан борган инсонларнинг ўз мавзелари бўлган. Тарихий эвирилишлар сабаб рус мустамлакачиларининг кадами бу ерга хам етиб борган ва Ўрта Осиёликлардан ташкил топган Гарбий Сибирдаги кўплаб кишлокларни хам улар ўз тасарруфига киритган.

ХХ аср бошларида Тюмень (туркийда Туман) Тобольск ва Тар уездларида Бухоро волостлари мавжуд бўлган.

Улар охирги марта 1926 йилда рўйхатга олинган. Совет давлатининг ягона халк яратиш гоясига кўра, улар туфайли аралаштириб юборилган, алохида кайд этилмаган. Туркистон кишлоклари ахолиси узок йилги тарихий аралашишлар даврида ўзларининг асл тилларини унутишган, кайсидир маънода урф-одатларини хам саклаб колган, улар орасида хали ханузгача туркистонликларни эслатадиган шахслар учраб туради.

Шохиста Ўлжаева